

Икром ИСКАНДАР

ШАМОЛ ҚЎШИҒИ

Тошкент – 2009.

Икром Искандар бугунги ўзбек адабиётида ўз овозига эга бўлган истеъдодли шоирлардан бири. Унинг ушбу мўъжаз тўпламига киритилган барча шеърларни битта мавзу – шамол мавзуси бирлаштириб туради. Гарчанд айрим шеърларда шамол сўзи учрамаса-да, уларнинг тағзаминида одамни уйғоқликка ундаб турадиган шамол уфуриб турганлигини сезиш, англаш қийин эмас.

Шамол эсганда ҳаво янгиланади. Шеърят шамоли кўнглингизга янги ҳаволар олиб кирсин, муҳтарам китобхон!

* * *

Ҳузурингга шамолдай
шошилиб боражакман,
шовуллаган қўшиғим –
сенга битган қасидам
авжларидан дарахтлар
ларзага келар, яккам
суратинг кўрингайдир
шаффоф вақт ойнасидан.

Бир зум тин олмоққа ҳам
бормиди ихтиёрим
қачонки, дилга васлинг
истаклари жойланар –
имконларни дарахтдай
силкитади қарорим...
Шамолга дош беролмай
тарс синади ойналар.

* * *

Юрагимда бир ҳаво кезар
 ва қишнинг сўнгги еллари –
 аччиқ, аламли,
 қалам каби ўткир музни
 синдирганидай
 тарновларда,
 синдиради Қаламни...

Энди тил-да, дилим-да гунгдир.
 Фақат бўғиқ шовуллаганча
 кўкаламзор далалар сари
 кўзларимни оқизиб борар
 эриётган дарднинг селлари.

Хаёлимни банд айлар
 оппоқ
 булутларнинг қафаси –
 карвон-карвон,
 олис ишқ юртига отланган карвон.
 Нигоҳимда – Ер каби улкан –
 бойчечакдай очилган ҳадик:
 “Баҳорларга етгаймикан нафаси?..”

Юрагимда бир ҳаво кезар.

* * *

Игнадай ялтилар дарахт шохлари,
 шамолда ип каби чувалашар нур,
 кўл юзида гўё улкан кўзойнак,
 муз остида сувдек тиниқдир шуур.
 Тиниб-тинчимайди Табиат момо
 сандалга оқ кўрпа ташлаган кўйи
 бўй етган шўх-шаддод қизига атаб
 сеп тикиб чиқади бутун қиш бўйи.
 Тўқсон кун кўз очиб-юмгунча ўтар,
 ташвиш аригандек эриб битар қор.
 Бир тонг зеб бағишлаб сепга, қирларга
 югуриб чиқади эрка қиз – Баҳор.

ОҚЧЎҒОЛ* ТОҒЛАРИДА

Тошоҳур** ўйинқароқ шамолин қилар тароқ.
Юксакликда навқирон Оқчўғол солиб сурон
кўк ойнага қарайди, жингил сочин тарайди,
гўё ўрлайди фиғон – ҳовурга тўлар гирён
булоқларнинг гирдлари – тошиб чиқар дардлари,
пахлавон келбати зор, йигит боши беқарор
ўзин қилолмай удда, бир ажиб тараддудда...
Ҳадемай кутилган ёр – келиб қолади баҳор!

*Оқчўғол – Ғаллаорол ва Бахмал туманлари чегарасида жойлашган тоғ.

**Тошоҳур – Оқчўғол тоғи этагида жойлашган оҳур шаклли улкан тош. Пастдаги қишлоқларда қишин-ёзин бетиним эсгувчи Тошоҳур шамоли шу жойдан бошланади, дейишади.

ТОШОХУР ШАМОЛИ

Бир жуфт садақайрағоч
шохларини қизларнинг
сочидай тараганда
кўринади камоли
тоғдан қуюлиб келган
худди чакмоқдай илдам,
ўжар ва ўйинқароқ
Тошоҳурнинг шамоли.

Уловларнинг ортидан
чанг кўтариб югурар,
қишлоқ кўчаларида
тўзгитади изларни,
қизлар танига чиппа
ёпишар кўйлаклари –
Тошоҳурнинг шамоли
қаттиқ қучар қизларни.

Кечалари висолга
ошиққанча ошиқлар
шўх ҳуштак чалганича
девордан мўраларкан,
бир дардга чалинганми
Тошоҳурнинг шамоли –
мунча ғамгин бир куйни
чалади мўрилардан.

Севармидим мен уни
хаёлимдай, тушимдай
ҳад билмас вақт қаътида
бетиним елмасайди,
Тошоҳурнинг шамоли
боладай ўжар ва ғўр,
мен каби жаҳонгашта,
сарсону телба, дайди...

* * *

Ифорлар улашиб гул лаганида
шаббода хизматда турганда елиб,
кўҳна дунёга бир нав мужда келиб,
дарахтлар, кўнгиллар гуллаганида –
кўзёшлар шабнамдек томган наҳорлар
ёмғирдек тўликиб ёққанда зорлар
юрагимдан тўлиб оққан анҳорлар
бошлаб келган бўйқиз каби баҳорлар,
гуллар тақдиримни қилганида хал,
зарра ғубор қолмай жону танимда,
мен сени соғиниб кўмсаганимда...
Эслаб қўярмисан сен ҳам лоақал?

* * *

Келдинг,
шамол каби эсди диллар ҳам,
тилга чиқди кўнгил тилаги –
энди хонамдаги гуллар ҳам
сени севишимни билади.
Теграмга нур куюлгандайин
ғарқ бўламан куйга, баётга.
Ишқинг чашмасидан ичган сайин
ташналим ортар ҳаётга.

* * *

Баҳор, терак баргларин
 ҳаловатсиз, ҳаёли
 туйғуларни тўлғотган
 шитирлаган нолиши
 тевааракка таралар,
 тағин тўзғир ҳаёли –
 азоблар бу тун беор
 еллар билан қолиши.

Баҳор. Терак баргларин
 салтанати тинтилган,
 тағин осмон пойида
 туйғулари янчилар –
 ёш ва кўркам теракнинг
 вужудига интилган
 ёмғир ҳирси баргларга
 ҳанжар каби санчилар.

Баҳор. Терак баргларин
 шитирлаган нолиши...

* * *

Семизқирнинг этагида
 икки қизнинг шивирлари
 чечакларга сочилади
 телба шамол этагида.
 Семизқирнинг шабнамлари
 чечакларнинг кўзин очар,
 икки қизнинг кўзларида
 порламайди ишқ шамлари.
 Семизқирнинг эти бир дам
 увушади, кетишади
 қизлар сўзи истехзоли,
 кулгулари кибрдан.
 Семизқирнинг йўқдир дарди
 чечаклари гулламоқда
 бир ошиқнинг ўлимига
 етадиган хабарларни.

Семизқирнинг этагида
 икки қизнинг шивирлари...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/1104> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/1104> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1104>